

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРАЕВА ХУРШИДА КАМАЛБАЕВНА

**МАЛЕИН КИСЛОТАНИНГ АЗОТ САҚЛАГАН ҲОСИЛАЛАРИ
СИНТЕЗИ ВА ХОССАЛАРИ**

02.00.03 – Органик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
chemical sciences**

Тураева Хуршида Камалбаевна

Малеин кислотанинг азот сақлаган ҳосилалари синтези ва
хоссалари.....3

Тураева Хуршида Камалбаевна

Синтез и свойства азотсодержащих производных малеиновой
кислоты.....23

Turaeva Khurshida

Synthesis and properties of nitrogen-containing derivatives of maleic
acid43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works46

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРАЕВА ХУРШИДА КАМАЛБАЕВНА

**МАЛЕИН КИСЛОТАНИНГ АЗОТ САҚЛАГАН ҲОСИЛАЛАРИ
СИНТЕЗИ ВА ХОССАЛАРИ**

02.00.03 – Органик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/K189 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ik-kimyo.nuu.uz) ва «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Юлдашева Мухаббат Раззоқбердиевна кимё фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Бабаев Баҳром Нуриллаевич кимё фанлари доктори Абдуразоқов Аскар Шералиевич кимё фанлари номзоди, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	Тошкент кимё технология институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «22» 09 соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (998 71) 227-12-24, факс (998 71) 246-53-21; 246-02-24. E-mail:chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (82-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (998 71) 227-12-24, факс (998 71) 246-53-21; 246-02-24. E-mail:nauka@nuu.ru.).

Диссертация автореферати 2021 йил «7» 09 кuni тарқатилди.
(2021 йил «7» 09 даги 10 рақамли реестр баённомаси).


З.А. Сманова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, к.ф.д., профессор


Д.А. Гафурова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.д.


А.К. Абдушукуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар
раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида азот сақлаган дикарбон кислоталарнинг ҳосилалари саноат ва халқ хўжалигида ҳароратга чидамли электротехника материаллари ишлаб чиқаришда, тиббиётда юрак қон-томир касалликлари, иккинчи даражали қандли диабет, Алцгеймер ва лешманиёз касалликларини даволашда самарали фармацевтик воситалар сифатида қўлланилиб келинмоқда. Шунингдек, сувда эрувчан, фаол гуруҳ тутган малеин кислота ҳосилалари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда антибактериал, ўстирувчанлик хоссали препаратлар сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Жаҳонда кимё саноатида малеин кислотанинг амидлари ва имидларидан ноёб хоссали органик ва сополимер материаллар олиш бўйича мақсадли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, фаол қўш боғи ҳисобига Дильс-Альдер реакцияларини олиб бориш, аллил типигаги қўш боғ тутган бирикмалар синтези, карбоксил гуруҳининг бирламчи, иккиламчи моно- ва диаминлар, цианатлар, изоцианатлар, эпоксидлар, тиоллар билан реакция шароитларини аниқлаш, тўйинмаган дикарбон кислота ҳосилаларини олишда синтез вақтини қисқартириш, реакциянинг селективлигини ва маҳсулот унумини ошириш, амалий қўлланилиш соҳаларини кенгайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда импорт ўрнини босувчи табиий ва синтетик маҳсулотлар олиш борасидаги илмий тадқиқот ишлари жадал суратларда амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ “саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хомашё манбаларини чуқур қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар олиш технологияларини ўзлаштириш ва такомиллаштириш” вазифалари белгилаб берилган. Бу борада малеин кислотанинг азот тутган ҳосилалари синтезининг қулай усулларини топиш ва такомиллаштириш, сувда эрувчан ва биологик фаоллиги юқори бўлган ҳосилаларини олишга қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «Республикамизда 2019-2021 йилларда фармацевтика соҳасини жадал ривожлантиришнинг кейинги чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805 сон “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884 сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

технологиялар ривожланишининг VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Малеин кислотанинг азот тутган ҳосилаларининг кимёвий ўзгаришлари асосида мақсадли синтезларни амалга ошириш бўйича жаҳоннинг етакчи олимлари илмий тадқиқот ишларини олиб боришган. Жумладан, J. Kotteritzsch, M.D. Hager (Германия), Benkova B., Lozanov V. (Болгария), Randell C.C., Zhang-Gao Le, Zhen-Chu Chen (Хитой), Reddy P.Y., Kondo S. (Япония), Matuszak N., Muccioli G.G. (Бельгия), О.А.Коляшин, В.А.Данилов, Shvekhgeimer G.A (Россия), Рожков С.С., Овчинников К.Л (Ярославль). Clevenger R.C., Turnbull K.D. ва бошқалар малеин кислотанинг азот тутган ҳосилалари синтезида «анъанавий усуллар»га нисбатан афзал бўлган замонавий синтез усуллари ишлаб чиқишган. Масалан, фазалараро катализ, микротўлқинли нурланиш орқали ультратовуш таъсиридаги реакциялар, Мицунобу ва ҳалқани химоялаш орқали олиб борилган реакциялар. Улар асосида олинган ҳосилалар эса бис-малеинимид гуруҳи тутган иссиқликка бардошли сополимерлар, электр изоляцион материаллар, манзарали химоя қопламалари; Дильс-Альдер реакцияси асосида ўз-ўзини тиклаш қобилятига эга полимер материаллар олиш; фармацевтик дори-дармон воситалари олишда малеинимид ҳосилаларига турли функционал гуруҳлар киритишга оид махсус тадқиқотлар устида илмий изланишлар олиб борилган.

Республикамизда мазкур йўналиш ривожига Қ.Н.Ахмедов ва унинг шогирдлари томонидан ароматик бирикмаларни амидоалкиллаш, турли органик бирикмалар таркибига малеинамид ва малеинимид гуруҳини киритиш бўйича ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Малеин кислота амидлари ва имидлари асосида олинган қимматли материаллар ҳақидаги маълумотлар адабиётларда келтирилган, аммо бу бирикмалар синтезига ва маҳсулот унумига нуклеофиль алмашилиш реакциялари учун олинган катализатор ва эритувчиларнинг таъсири тўла ўрганилмаган. Шу сабабли, мазкур диссертация иши юқоридаги реакцияларни тизимли тарзда тадқиқ этиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган, импорт ўрнини босувчи N-(β-гидроксиэтил)малеинамид ва N-(3-гидроксифенил)малеинамид каби маҳсулотлар олиш усуллари ишлаб чиқиш ва мавжуд усулларни такомиллаштиришга қаратилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф-7-52 (ОТ-Ф-7-50, ОТ-Ф-7-56, ОТ-Ф-7-58) «Турли табиатли органик ва ноорганик моддаларнинг таъсирлашиш қонуниятлари ва реакцион қобиляти ҳамда берилган комплекс хоссали янги бирикмалар олиш» (2017-2020 йй.) мавзуларидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади малеин кислотанинг алкил-, арил-, гетерил-амид, -имидлари ва уларнинг баъзи ҳосилалари синтези, шунингдек, биологик фаоллигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: малеин кислота ангидридининг алифатик, ароматик ва гетероциклик моно- ва диаминлар билан реакцияларини олиб бориш;

реакциянинг йўналишига таъсир этувчи омилларни ва аминокислоталарнинг нуклеофил бирикшиш реакцияларидаги нисбий фаоллик қаторини аниқлаш;

малеин кислота ҳосилаларининг алкил, арил мураккаб эфирларини синтез қилиш, субстрат ва реагент табиатининг реакция йўналишига ва маҳсулот изомер таркибига таъсирини аниқлаш;

тажрибалар натижасида олинган янги органик бирикмаларнинг тузилишини замонавий физик-кимёвий усуллар ёрдамида исботлаш;

малеин кислота азотли ҳосилаларининг кимёвий ўзгаришларини амалга ошириш;

олинган бирикмаларнинг биологик фаоллигини ва уларнинг янги қўлланилиш соҳаларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида малеин кислота, малеин ангидрид, моно- ва диаминлар, аминокислоталар, карбон кислота ва уларнинг галогенли ҳосилалари, изомер аминокислоталарнинг мураккаб эфирлари, нитромезитилен танланган.

Тадқиқотнинг предмети малеин кислота ва ангидридининг турли функционал гуруҳларга эга бўлган алифатик, ароматик ва гетероциклик аминлар билан нуклеофил алмашилиш реакциялари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида органик кимё усуллари, юпқа қатлам хроматографияси (ЮҚХ), газ-суюқлик хроматографияси (ГСХ) ва ИҚ-, УБ-, ^1H ва ^{13}C -ЯМР-спектроскопия, хромато-масс-спектрометрия, компьютер кимёсида ҳисоблаш ва биологик тадқиқот усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нуклеофил бирикшиш ва алмашилиш реакциялари ёрдамида азот сақлаган малеин кислота ҳосилалари олишнинг янги усуллари яратилган;

малеин кислота моноамидларининг метанол ва этанол билан нуклеофил алмашилиш реакциялари фосфор (V) оксид иштирокида селектив бориши аниқланган;

илк бор N-(β -гидроксиэтил)малеинимиднинг сирка кислота ва галоген алмашган монохлор-, трифторсирка кислоталар иштирокида этерификация реакциялари олиб борилган ва тегишли алмашинган N-(β -ацетоксиэтил)малеинимид эфирлари олинган;

илк бор N-(алкилкарбоксифенил)малеинимид эфирларининг 2 хил синтез усули: малеин ангидриднинг аминокислоталар билан реакцияси ва N-(4-карбоксифенил)малеинимидларнинг спиртлар иштирокидаги реакциялари амалга оширилган;

илк бор N-(β -гидроксиэтил)малеинимидни икки хил шароитда галогенлаш орқали (тионил хлорид ва мис (I) хлорид тузи иштирокида)

N-(β-хлорэтил)малеинимид синтез қилинган ва N-(2-ацетоксиэтил)малеинимид олишнинг янги усули яратилган;

илк бор нитромезитиленнинг N-(β-гидроксиэтил)малеинимид билан электрофил алмашиниш реакцияларида концентрланган сульфат ва фосфат кислота аралашмаси, N-(β-хлорэтил)малеинимид билан реакциялар учун эса FeCl₃•12H₂O самарали катализатор бўлиши, C-амидоэтиллаш реакцияларининг фазовий жihatдан селектив бориши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

малеин кислотанинг алкил, арил ва эфир гуруҳларини сақлаган 31 та янги моно- ва бис-имидли бирикмалари қаторида бактерицид, фунгицид, ўстирувчанлик ва антиоксидант фаоллик кўрсатувчи ҳосилалари олинган;

N-(2-ацетоксиэтил)малеинимид ва N-(2,4-дихлорфенил)малеинамидлар патоген микроорганизмларга қарши бактерицидлик, фунгицидлик фаолликни, N-(β-гидроксиэтил)малеинамид ва N-(3-гидроксифенил)малеинамидлар буғдой уруғларининг ўсишига самарали ўстирувчанлик хоссасини намоён қилиши аниқланган;

(Z)-4-(1-карбоксиэтиламино)-4-оксобутен-2, (Z)-4-(2-амино-4,6-диметилпиримидин)-4-оксобутен-2 кислота, N-(β-гидроксиэтил)малеинамидларнинг антиоксидантлик фаоллиги ва N-(β-гидроксиэтил)малеинамиднинг IV синф кам захарли бирикмалар синфига кириши (LD₅₀ –1530 мг/кг) аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда қўлланилган замонавий физик-кимёвий усуллар – ЮҚХ, ГСХ, ИҚ-, УБ- ¹H ва ¹³C-ЯМР-спектроскопия, хромато-масс-спектрометриялар ва бошқа усуллар ёрдамида исботланиши, спектрал усуллардан олинган натижаларнинг замонавий Chem Draw Ultra, Hyper Chem-(untitled), Chem3D-[Untitled-1] дастурида текширилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, малеин кислотанинг азот сақлаган моноамидли ва имидли ҳосилаларининг мақсадли синтезларини нуклеофил алмашиниш реакциялари орқали амалга ошириш мумкинлиги, реакция тезлиги ва маҳсулот унумига эритувчининг табиати таъсири тадқиқ этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, малеин кислотанинг янги ҳосилалари қаторида бактерицидлик, фунгицидлик, антиоксидантлик, ўстирувчанлик хусусиятига эга бўлган бирикмалар борлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Малеин кислотанинг моноамидли ва имидли ҳосилалари асосида янги бирикмаларини самарали синтез қилиш усуллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўстирувчанлик хусусиятга эга бўлган N-(β-гидроксиэтил)малеинамид, N-(3-гидроксифенил)малеинамидлар Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл фермер хўжаликлари дала майдонларида буғдой ҳосилдорлигини ошириш учун жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 25 майдаги 02/025-2226-сонли маълумотномаси). Натижада

ўстирувчанлик кузги бугдой ҳосилдорлигини 5-7 ц/га оширган ва рентабеллик даражасини 11-12 %га кўтариш имконини берган;

N-(2-ацетоксиэтил)малеинимид ва N-(2,4-дихлорфенил)малеинамидларни металл конструкцияларнинг биокоррозиясига қарши ингибитор сифатида “Муборак газни қайта ишлаш заводи” МЧЖда амалиётга жорий этилган (Муборак газни қайта ишлаш заводининг 2021 йил 28 майдаги №402/G’К-05-сонли маълумотномаси). Натижада металл конструкция ва қурилмаларининг эксплуатацион хоссаларини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 4 та халқаро ва 13 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 2 та мақола республика, 3 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Малеин кислота ҳосилаларининг синтези, хоссалари ва қўлланилиш соҳалари**» деб номланган **биринчи бобида** malein кислотанинг amid ва imid гуруҳи тутган бирикмаларини синтез қилиш усуллари, фаол қўшбоғ иштирокидаги реакциялари ва улар қўлланилишининг асосий йўналишлари, malein кислота ҳосилалари асосида синтез қилинган бирикмаларнинг ишлатилиш соҳаларига оид хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг «**N-Алкил, арил maleинамид, imid ҳосилалари синтези ва улар асосида мураккаб эфир олиш реакциялари**» деб номланган **иккинчи бобида** malein ангидрид ва malein кислотанинг турли функционал гуруҳларга эга бўлган алифатик, ароматик ва гетероҳалқали моноаминлар, диаминлар билан олиб борилган реакциялари асосида malein кислотанинг моноамидли ва imидли бирикмалари синтезлари бўйича олинган натижалар муҳокама қилинган. Синтез қилинган бирикмаларнинг баъзи таркибий аналогларининг мураккаб эфирларини олиш реакциялари муҳокама қилинган

Малеин ангидриднинг алифатик моноаминлар билан реакциялари. Бу бўлимда malein ангидриднинг моноэтаноламин, учламчи-бутиламин, amino

кислоталардан (глицин, α - ва β -аланин, α -аминокапрон кислота)лар билан реакциялари олиб борилган. Олинган бирикмаларнинг физик катталиклари аниқланган.

Дастлаб, малеин ангидриднинг моноэтаноламин билан эритувчисиз ва эритувчилар иштирокидаги реакциялари олиб борилди, реакция натижаларига кўра иккала усулда ҳам N- β -(гидроксиэтил) малеинамид (N- β -ГЭМА) (**1**)ни олишга эришилди. Эритувчисиз шароитда олиб борилган реакцияга нисбатан, ацетонда олиб борилган реакцияда модда (**1**)ни 83% унум билан олинди. Малeин ангидриднинг алифатик аминакарбон кислоталардан глицин, α -, β -аланин ва α -аминокапрон кислоталар билан 0,1 моль миқдорда муз сирка кислота эритмасида реакциялар олиб борилди. Бу реакция учун ўз табиатига ўхшаш эритувчи сирка кислота танлаб олинди (1-жадвал).



А - ацетон; R: (1) $\text{CH}_2\text{CH}_2\text{OH}$, (7) $\text{C}(\text{CH}_3)_3$

Б - сирка кислота; R: (3) $\text{CH}_2\text{-COOH}$, (4) $(\text{CH}_3)\text{-}\alpha\text{-CH-COOH}$, (5) $\beta\text{-CH}_2\text{CH}_2\text{-COOH}$, (6) $\text{CH}_3(\text{CH}_2)_2\text{CH}_2\text{-}\alpha\text{-CH-COOH}$

1-жадвал

Малеин ангидрид ва алкилмоноаминларнинг 1:1 моль нисбатда олинган реакция шароитлари ва унумлари

Бирикма рақами	R	Ҳарорат, °С	Эритувчи (А, Б)	Реакция давомийлиги (соат)	Маҳсулот унуми, %
1	$\text{CH}_2\text{-CH}_2\text{-OH}$	0:56:-12	Ацетон	2.5	85
3	$\alpha\text{-CH}_2\text{-CO}_2\text{H}$	20-25	Сирка кислота	24	70
4	$(\text{CH}_3)\text{-}\alpha\text{-CH-CO}_2\text{H}$	20-25		24	45
5	$\beta\text{-CH}_2\text{-CH}_2\text{-CO}_2\text{H}$	20-25		24	50
6	$\text{CH}_3(\text{CH}_2)_2\text{CH}_2\text{-}\alpha\text{-CH-CO}_2\text{H}$	20-25		30	53
7	$\text{C}(\text{CH}_3)_3$	0:20-25	Ацетон	2	80

Кейинги босқичда P_2O_5 ва кам миқдордаги сульфат кислота иштирокида халқаланиш реакцияси 2-3 соат давомида амалга оширилди ва тегишлича (**2**) N- β -ГЭМИ 85 %, (**8**) 2-(2,5-диоксо-2,5-дигидро-1Н-пиррол-1-ил) этан кислота 70 %, (**9**) 3-(2,5-диоксо-2,5-дигидро-1Н-пиррол-1-ил) пропан кислота 63,5 % унум билан синтез қилинди.


Олинган бирикмаларнинг тузилиши ИҚ-, ^1H ЯМР-спектроскопия ва хромато-масс-спектрометрия усуллари орқали тасдиқланди (2-жадвал).

N-Моноалкилмалеинамид ва имидларнинг ИҚ-, ¹H ЯМР- спектридаги сигналлар ва хромато-масс спектрида қайд этилган ионлар

ИҚ-спектри ($\nu, \delta \text{ см}^{-1}$)			
1	3446(ν_{NH}), 3309 (ν_{OH}), 1388(δ_{OH}), 1726, 1687($\nu_{\text{C=O}}$), 3103, 1539($\nu, \delta_{\text{-N-CO-}}$), 2960, 2868 ($\nu^{\text{s}}_{\text{CH}_2}$), 1627 ($\nu_{\text{C=C}}$), 825 ($\delta_{\text{=C-H}}$),	5	3323 (ν_{NH}), 1703, 1687 ($\nu_{\text{C=O}}$), 1537 ($\nu_{\text{-N-CO-}}$), 2690 ($\nu^{\text{s}}_{\text{CH}_2}$), 1625 ($\nu_{\text{C=C}}$), 3051 ($\nu_{\text{=C-H}}$), 864 ($\delta_{\text{=C-H}}$).
2	3393 (ν_{NH}), 3131 ($\nu_{\text{=CH}}$), 2919, 2887 ($\nu^{\text{s}}_{\text{CH}_2}$), 1711 ($\nu_{\text{C=O}}$), 1632 ($\nu_{\text{C=C}}$).	6	1701, 1688 ($\nu_{\text{C=O}}$), 3100, 1500 ($\nu, \delta_{\text{-N-CO-}}$), 2954 ($\nu^{\text{s}}_{\text{CH}_3}$), 1419 (δ_{CH}), 1640 ($\nu_{\text{C=C}}$), 896 ($\delta_{\text{=C-H}}$).
3	3313 (ν_{NH}), 1716, 1676 ($\nu_{\text{C=O}}$), 3053, 1506 ($\nu, \delta_{\text{-N-CO-}}$), 2922 ($\nu^{\text{s}}_{\text{CH}_2}$), 1612 ($\nu_{\text{C=C}}$), 864 ($\delta_{\text{=C-H}}$).	7	3263 (ν_{NH}), 1670($\nu_{\text{C=O}}$), 1533 ($\delta_{\text{-N-CO-}}$), 2966 ($\nu^{\text{s}}_{\text{CH}_3}$), 1639 ($\nu_{\text{C=C}}$), 3053 ($\nu_{\text{=C-H}}$), 848 ($\delta_{\text{=C-H}}$).
4	3305 (ν_{NH}), 1718, 1680 ($\nu_{\text{C=O}}$), 1525 ($\nu_{\text{-N-CO-}}$), 2937 ($\nu^{\text{s}}_{\text{CH}_3}$), 1396 (δ_{CH}), 1618 ($\nu_{\text{C=C}}$), 3053 ($\nu_{\text{=CH}}$), 866 ($\delta_{\text{=C-H}}$).		
¹ H ЯМР-спектри			
1	3.24 с (H, OH), 3.54-4.25 т (2H, 2CH ₂), 4.87 с (H, NHCO), 6.19-6.41 д (2H, CH=CH J_{HH} 12,6), 6.30 с (H, COOH).	3	6.21-6.46 д (2H, CH=CH), 3.24-3.56 с (2H, COOH), 3.98 с (H, CH ₂), 4.86 с (H, NHCO).
2	2,87-3,60 т (2H, 2CH ₂), 7,89 с (2H, CH=CH), 5,99 с (H, -OH).	4	1.40-1.38 д (H, CH ₃), 3.24 с (H, NHCO), 4.40-4.46 дд (H, CH), 5.14 с (2H, COOH), 6.21-6.47 д (2H, CH=CH).
Масс-спектри			
1	m/z [158], 139, 114, 71.	8	m/z [169], 151, 141, 123, 110, 96, 88, 82, 73, 70, 60, 54, 42.
2	m/z [141], 123, 111, 98, 94, 82, 80, 78, 70, 66, 54, 43.	9	m/z [155], 110, 105, 82, 56, 54.

Малеин ангидрид ва малеин кислотанинг ароматик, гетероциклик моноаминлар билан реакциялари: реакциялар икки босқичда амалга оширилди. Дастлабки, биринчи (I) босқичдаги реакция эквимоляр нисбатда ацетон эритмасида амалга оширилди (3-жадвал).

Малеин ангидриднинг тегишли ариламинлар билан реакция тенгламаси:



- R:
- | | | | |
|--|---|---|--|
| (I), (II) 2-OH | (I) 3-OH | (I), (II) 4-NO ₂ | (I) 2-C ₄ H ₂ -4,6-(CH ₃) ₂ |
| (I) 2-CH ₃ | (I), (II) 3-NO ₂ | (I), (II) 4-Br | (I) 2-C ₅ H ₄ N |
| (I) 2-NO ₂ | (I), (II) 3-COOH | (I) 4-C ₆ H ₅ NN | (I) 4-C ₅ H ₄ N |
| (I), (II) 2-COOH | (I), (II) 3-COOC ₄ H ₉ | (I), (II) 4-COOH | (I), (II) 1-C ₁₀ H ₇ |
| (II) 2-COOC ₄ H ₉ | (I), (II) 3-COOC(CH ₃)CH ₂ CH ₃ | (I) 4-COOC ₄ H ₉ | |
| (I) 2-COOCCH ₂ COOC ₂ H ₅ | | (I) 4-COOC ₆ H ₁₃ | |
| (I) 2-COOCCH ₂ COOC ₄ H ₉ | | (I) 4-COOCCH ₂ C ₆ H ₅ | |
| (I) 2,4-Cl ₂ | | (II) 4-COOCCH ₂ CH ₂ Cl | |

Реакциялар малеин кислота билан ҳам олиб борилди. Аминларнинг малеин кислота билан реакцияларининг бориши малеин ангидридга нисбатан юқори ҳарорат ва узоқ вақт талаб этади. Реакциялар сирка кислота эритмасида олиб борилганда яхши натижага эришилди.

Малеин ангидрид (МА) ва арилмоноаминларнинг (ArA) биринчи (I) босқичдаги реакция натижалари

Бирикма рақами	R	Эритувчи	унуми, %	Бирикма рақами	R	Эритувчи	унуми, %	
11	2-OH	Ацетон	65	23	2,4-Cl ₂	Ацетон	81	
12	3-OH		60	27	2-CO ₂ CH ₂ CO ₂ C ₂ H ₅		46	
13	2-CO ₂ H		89	28	2-CO ₂ CH ₂ CO ₂ C ₄ H ₉		54	
14	3-CO ₂ H		91	29	3-CO ₂ C ₄ H ₉		60	
15	4-CO ₂ H		92	30	3-CO ₂ CH(CH ₃)CH ₂ CH ₃		78	
16	2-NO ₂		55	31	4-CO ₂ C ₄ H ₉		54	
17	3-NO ₂		95	32	4-CO ₂ C ₆ H ₁₃		48	
18	4-NO ₂		78	33	4-CO ₂ CH ₂ C ₆ H ₅		94	
19	2-CH ₃		85	Гетероциклик бирикма				
20	4-Br		86	24	2-C ₄ N ₂ -4,6-(CH ₃) ₂		Ацетон	88
21	4-N=N-C ₆ H ₅		77	25	2-C ₅ H ₄ N		Толуол	63
22	1-C ₁₀ H ₇		95	26	4-C ₅ H ₄ N			77

МА:ArA моль нисбатлари:(1:1); реакция харорати 0 °C дан 20-25 °C гача

Синтез асосида олинган N-моноарилмалеинамидли бирикмаларнинг деярли кўпчилиги қаттиқ моддалардир (4-жадвал).

Синтез асосида олинган N-моноарилмалеинамидларнинг физик-кимёвий катталиклари


Б*	Mr	Брутто формуласи	T _{суюк} °C	Rf	Б*	Mr	Брутто формуласи	T _{суюк} °C	Rf
11	207	C ₁₀ H ₉ NO ₄	164-165	0,22	23	260	C ₁₀ H ₇ NO ₃ Cl ₂	211-212	0,23
12	207	C ₁₀ H ₉ NO ₄	169-170	0,24	27	321	C ₁₅ H ₁₅ NO ₇	75-77	**0,68
13	235	C ₁₁ H ₉ NO ₅	216-218	*0,38	28	349	C ₁₇ H ₁₉ NO ₇	мойсимон	***0,60
14	235	C ₁₁ H ₉ NO ₅	209-210	*0,49	29	291	C ₁₅ H ₁₇ NO ₅	150-152	*0,50
15	235	C ₁₁ H ₉ NO ₅	240-242	0,30	30	291	C ₁₅ H ₁₇ NO ₅	178-180	*0,63
16	236	C ₁₀ H ₈ N ₂ O ₅	119-120	0,27	31	291	C ₁₅ H ₁₇ NO ₅	160-163	**0,67
17	236	C ₁₀ H ₈ N ₂ O ₅	193-195	0,19	32	319	C ₁₇ H ₂₁ NO ₅	190-192	***0,61
18	236	C ₁₀ H ₈ N ₂ O ₅	197-198	0,21	33	325	C ₁₈ H ₁₅ NO ₅	116-118	***0,70
19	205	C ₁₁ H ₁₁ NO ₃	115-116	0,32	Гетероциклик бирикма				
20	270	C ₁₀ H ₈ NO ₃ Br	192-194	0,28	24	221	C ₁₀ H ₁₁ N ₃ O ₃	159-162	0,42
21	295	C ₁₆ H ₁₃ N ₃ O ₃	174-175	*0,75	25	192	C ₉ H ₈ N ₂ O ₃	129-130	**0,22
22	241	C ₁₄ H ₁₁ NO ₃	148-149	0,29	26	192	C ₉ H ₈ N ₂ O ₃	82-85	**0,18

Б*-бирикма рақами

бензол:метанол 3:1, *1:1, **бензол:ацетон 3:1, ***бензол:хлороформ 3:1

Реакциянинг иккинчи (II) босқичи, яъни дегидратлаш жараёни юқоридаги шароит (P₂O₅ ва кам микдордаги сульфат кислота)да олиб борилди (5-жадвал).

Реакция (ички молекуляр нуклеофиль алмашиниш) механизми:



Халқаланиш реакциялари натижасида олинган N-арилмалеинимид ҳосилаларининг физик катталиклари

Бирик-ма	X	унум, %	T _{суюқ.} °C	Rf	Бирик-ма	X	унум, %	T _{суюқ.} °C	Rf
34	o-CO ₂ H	60	155-160	0,32	40	п-NO ₂	85	130-131	**0,33
35	м-CO ₂ H	72	189-190	*0,35	41	o-OH	55	112-114	**0,44
36	п-CO ₂ H	75	246-250	0,30	42	м-CO ₂ C ₄ H ₉	^A 77	50-52	**0,90
37	1-C ₁₀ H ₇	90	112-113	**0,45	43	м-CO ₂ CH(CH ₃)CH ₂ CH ₃	^A 63	148-151	**0,87
38	п-Br	70	124-126	**0,31	44	o-CO ₂ C ₄ H ₉	^A 52	88-90	0,66
39	м-NO ₂	88	145-146	**0,37	45	п-CO ₂ CH ₂ CH ₂ Cl	^A 63	мойсимои	0,42

(ДМФАда, P₂O₅/H₂SO₄ 70-80°C, 2-4 с. ва А-усул ДМФА, P₂O₅ 3 с.) бензол : метанол 1:1, *1:3, **3:1


Реакцияларнинг эътиборли жиҳати шундаки, ароматик ҳалқада электроноакцептор ўринбосарлар бўлса, халқаланиш осон боради ва маҳсулотлар юқори унум билан ҳосил бўлади.

N-Арилмалеинамидлар ва имидларнинг ИҚ-спектр таҳлили (ν, δ см⁻¹)

11	3394 (ν _{NH}), 3145 (ν _{OH}), 1456, 1352 (δ _{OH}), 1494, 1413 (ν _{C=C} , ArH), 3053 (ν _{C-H} , ArH), 840, 758 (δ _{C-H} , ArH), 1537 (ν _{N-CO-}), 1614 (ν _{C=C}), 1693 (ν _{C=O}).	12	3305, 1575 (ν, δ _{-N-CO-}), 3211 (ν _{OH}), 1471, 1377 (δ _{OH}), 1377 (ν _{C=C} , ArH), 2970 (ν _{C-H} , ArH), 839, 775 (δ _{C-H} , ArH), 1631 (ν _{C=C}), 1699 (ν _{C=O}).
13	3097, 1579 (ν, δ _{-N-CO-}), 1692 (ν _{C=O}), 1488, 1401 (ν _{C=C} , ArH), 3030 (ν _{C-H} , ArH), 752 (δ _{C-H} , ArH), 1456, 1228 (δ _{OH}).	14	3284 (ν _{NH}), 3284 (ν _{OH}), 1492, 1290 (δ _{OH}), 1492, 1406 (ν _{C=C} , ArH), 3030 (ν _{C-H} , ArH), 752 (δ _{C-H} , ArH), 3097, 1556 (ν _{-N-CO-}), 1633 (ν _{C=C}), 1699 (ν _{C=O}).
15	3459 (ν _{NH}), 3361 (ν _{OH}), 1520, 1286 (δ _{OH}), 1420, 1441 (ν _{C=C} , ArH), 2544 (ν _{C-H} , ArH), 770 (δ _{C-H} , ArH), 1559 (ν _{N-CO-}), 1623 (ν _{C=C}), 1661, 1659 (ν _{C=O}).	16	3053 (ν _{C-H} , ArH), 1585, 1436 (ν _{C=C} , ArH), 736 (δ _{C-H} , ArH), 2563 (ν _{OH}), 3172, 1514 (ν _{N-CO-}), 1658 (ν _{C=C}), 1707 (ν _{C=O}), 1276 (ν ^s NO ₂), 1585 (ν ^{as} NO ₂).
17	3097 (ν _{C-H} , ArH), 1540, 1440 (ν _{C=C} , ArH), 802, 734 (δ _{C-H} , ArH), 3265 (ν _{OH}), 3194, 1525 (ν _{-N-CO-}), 1620 (ν _{C=C}), 1712 (ν _{C=O}), 1269 (ν ^s NO ₂), 1587 (ν ^{as} NO ₂).	18	3083 (ν _{C-H} , ArH), 1594, 1406 (ν _{C=C} , ArH), 794, 748 (δ _{C-H} , ArH), 1547 (ν _{N-CO-}), 1629 (ν _{C=C}), 1705 (ν _{C=O}), 1254 (ν ^s NO ₂), 1594 (ν ^{as} NO ₂).
19	2875 (ν _{C-H} , ArH), 1583, 1431 (ν _{C=C} , ArH), 785 (δ _{C-H} , ArH), 3057, 1564 (ν _{-N-CO-}), 1633 (ν _{C=C}), 1703 (ν _{C=O}), 2875 (ν ^s CH ₃).	20	3055 (ν _{C-H} , ArH), 1486 (ν _{C=C} , ArH), 850, 821 (δ _{C-H} , ArH), 3265, 1531 (ν _{N-CO-}), 1625 (ν _{C=C}), 1703 (ν _{C=O}), 684 (ν ^s Br).
21	3057, 2883 (ν _{C-H} , ArH), 1498, 1406 (ν _{C=C} , ArH), 846, 767 (δ _{C-H} , ArH), 3277, 1531 (ν _{-N-CO-}), 1629 (ν _{C=C}), 1699 (ν _{C=O}).	22	3288, 1531 (ν _{N-CO-}), 1633 (ν _{C=C} , ArH), 3053 (ν _{C-H} , ArH), 846, 763 (δ _{C-H} , ArH), 1637 (ν _{C=C}), 1708 (ν _{C=O}).
23	3072, 2995 (ν _{C-H} , ArH), 1580, 1462 (ν _{C=C} , ArH), 769 (δ _{C-H} , ArH), 3242, 1577 (ν _{N-CO-}), 1600 (ν _{C=C}), 1716 (ν _{C=O}), 860 (ν ^s Cl).	24	3037 (ν _{C-H}), 788 (δ _{C-H}), 1505 (δ _{-N-CO-}), 1620 (ν _{C=C}), 1685 (ν _{C=O}).
26	3095, 2924 (ν _{C-H}), 826 (δ _{C-H}), 1524 (δ _{-N-CO-}), 1567 (ν _{C=C}), 1644 (ν _{C=O}).	37	3096 (ν _{C-H} , ArH), 1508 (ν _{C=C} , ArH), 800, 771 (δ _{C-H} , ArH), 1596 (ν _{C=C}), 1705 (ν _{C=O}).
39	3101 (ν _{C-H}), 1533, 1483 (ν _{C=C} , ArH), 831, 694 (δ _{C-H} , ArH), 1582 (ν _{C=C}), 1723 (ν _{C=O}), 1217 (ν ^s NO ₂).	46	1499.90 (ν, δ _{-N-CO-}), 1558.34 (ν _{C=C} , ArH), 3053.32 (ν _{C-H} , ArH), 812, 709 (δ _{C-H} , ArH), 1627.86 (ν _{C=C}), 1666.99 (ν _{C=O}).

Олинган N-арилмалеинамид ва имид бирикмаларнинг тузилиши ИҚ-, ^1H ЯМР-спектроскопия ва хромато-масс-спектрометрия усули орқали тасдиқланди.

ИҚ-спектр натижаларига кўра шуни айтиш мумкинки, мономалеин-амидларнинг характерли сигналларидан бўлган малеин кислота қўш боғининг кам интенсивликка эга валент соҳалардаги тебранишлари $1660\text{-}1600\text{ см}^{-1}$ ва кучли интенсив карбонил гуруҳига хос бўлган $1720\text{-}1680\text{ см}^{-1}$, амид гуруҳига хос $3400\text{-}3190$, $1545\text{-}1560\text{ см}^{-1}$ соҳаларида валент ва деформацион тебранишлари кузатилади. Малеинимидларда эса карбоксил гуруҳининг $1725\text{-}1690\text{ см}^{-1}$ соҳаларда ва имид гуруҳининг $1350\text{-}1330\text{ см}^{-1}$ соҳалардаги тебранишлари кузатилади (6-жадвал).




11нинг ^1H ЯМР-спектрида (эритувчи дейтерийланган метанол) ароматик ҳалқанинг тўртта водород протонлари мультиплет сигналлари $\delta=6,77\text{-}7,73$ м.у.да (4H , ArH_4) кузатилди. Карбоксилга боғланган қўш боғ тутган углерод атомидаги водород протонининг дублет сигнали $\delta=6,24\text{-}6,27$ м.у. да (H , $\text{CH}=\text{CH}$); амид

гуруҳига боғланган қўш боғ тутган углерод атомидаги водород протонининг дублет сигнали $\delta=6,62\text{-}6,65$ м.у. да (H , $\text{CH}=\text{CH}$); амид гуруҳидаги водород протонининг синглет сигнали $\delta=4,87$ м.у.да (H , NH) ва ароматик ҳалқадаги учинчи ҳолатда гидроксил гуруҳининг синглет сигнали $\delta=3,24$ м.у.да (H , OH) кузатилди.

^1H ЯМР-спектр натижаларининг хулосаси сифатида шуни айтиш мумкинки, мономалеинамидларнинг характерли малеин кислота қўш боғ тутган углерод атомидаги протонлари дублет сигнали $\delta=6,20\text{-}6,70$ м.у. J_{HH} $12,5\text{-}12,6$ беради, малеинимидларда эса қўш боғ тутган углерод атомидаги протонларининг $\delta=7,89$ м.у. даги синглет сигнали кузатилади (7-жадвал).

N-Арилмалеинимидларнинг масс-спектр таҳлили шуни кўрсатдики, бу бўлакли m/z 217, 200, 172 ионлар энг юқори интенсивликда намоён бўлади (7-жадвал).




Бирикмаларнинг ^1H ЯМР- спектридаги сигналлар ва хромато-масс спектрида қайд этилган ионлар

N-Арилмалеинамидларнинг ^1H ЯМР-спектрлари маълумотлари			
12	4.92 с (H, NHCO), 6.22-6.51 дд (2H, CH=CH, J_{HH} 12,5), 6.55-7.17 м (4H, ArH)		
14	4.82 с (H, NHCO), 6.25-6.52 дд (2H, CH=CH, J_{HH} 12,4), 7.39-8.21 м (4H, ArH)		
16	4.88 с (H, NHCO), 6.26-6.57 дд (2H, CH=CH, J_{HH} 12,5), 7.30-8.05 м (4H, ArH)		
17	4.84 с (H, NHCO), 6.25-6.52 дд (2H, CH=CH, J_{HH} 12,5), 7.51-8.58 м (4H, ArH)		
20	4.84 с (H, NHCO), 6.24-6.50 дд (2H, CH=CH, J_{HH} 12,5), 7.41-7.52 м (4H, ArH)		
21	4.15 с (H, NHCO), 6.23-6.54 дд (2H, CH=CH, J_{HH} 12,5), 6.69-7.86 м (4H, ArH)		
22	4.86 с (H, NHCO), 6.29-6.72 дд (2H, CH=CH, J_{HH} 12,6), 7.44-7.99 м (4H, ArH)		
N-Арилмалеинамидларнинг масс-спектрлари (m/z) маълумотлари			
11	[M+H] ⁺ 208; 190, 163, 133, 95, 78, 64, 48, 32		
12	[M+H] ⁺ 208; 128, 112, 100, 84, 69, 58, 41, 29		
20	[M] ⁺ 271; 253, 239, 185, 157, 143, 129, 97, 87, 74, 57, 43, 28		
21	[M] ⁺ 296; 264, 222, 180, 69, 55, 41, 29		
N-Арилмалеинимидларнинг масс-спектрлари маълумотлари			
	M ⁺	min:	m/z
42	273	14.068-14.114	244, 217, 172, 144, 116, 82, 54
43	273	13.627-13.650	244, 200, 172, 144, 116, 90, 54
44	273	11.264-11.287	228, 200, 173, 145, 116, 90, 54
45	279	13.488-13.535	255, 223, 200, 171.9, 146, 123, 90, 54


Малеин ангидриднинг ароматик диаминлар билан реакциялари.

Бензидиннинг малеин ангидрид билан эквимольяр нисбатдаги реакцияси ацетонда олиб борилди ва тегишли малеин кислотасининг моноариламиди синтез қилиб олинди. Моноариламид (**46**) 64% унумни ва бис-ариламид (**47**) 92% унумни ташкил қилди. Бензидиннинг 2МА билан реакциясини CH_2Cl_2 эритувчисида олиб борилса бис-ариламид (**47**) 97 % унум билан ҳосил бўлади. **ИҚ-спектр:** (**47**) 1518 (ν , δ -N-CO-), 1558.34 ($\nu_{\text{C}=\text{C}}$, ArH), 3053.32 ($\nu_{\text{C}-\text{H}}$, ArH), 850, 762 ($\delta_{\text{C}=\text{C}}$), 1693.94 ($\nu_{\text{C}-\text{H}}$, ArH), 1627.67 ($\nu_{\text{C}=\text{O}}$).

Этан-1,2-диил-бис (4-аминобензоат) эфирини малеин ангидрид билан реакцияси олиб борилди ва малеин кислотанинг бис амидли 210-215°C суюқланувчи оқиш сарғиш кукунсимон ҳосиласи **48** 63% унум билан олинди. Кейинги реакцияда дегидратлаш орқали бис-малеинимид ҳосиласи **49** синтез қилинди. Дегидратлаш реакцияси P_2O_5 иштирокида, эритувчи ДМФА 75-80°C хароратда 4-5 соат давомида олиб борилди. Унум 44%, $T_{\text{суюқ.}}=188-190^\circ\text{C}$ да суюқланувчи этан-1,2-диил бис(4-(2,5-диоксо-2,5-дигидро-1-Н-пиррол-1-ил) бензоат) (**49**) олинди:




Этан-1,2-диил-бис(4-(2,5-диоксо-2,5-дигидро-1Н-пирролил-1-) бензоат) 49нинг хромато-масс-спектрометрида бўлакчи ионлар ҳосил бўлиши куйидагича келтирилди:



Малеин кислота ҳосилаларининг мураккаб эфирлари синтези: Бу бўлимда баъзи азот сақлаган малеин кислота ҳосилаларининг мураккаб эфирларини синтез қилиш реакциялари муҳокама қилинган.

N-Этилолмалеинимиднинг мураккаб эфирлари синтези: 2 ва 10нинг алифатик кислоталар ва тузи билан мураккаб эфирларини олиш куйидаги шароитларда олиб борилди (8-жадвал):



8-жадвал

Моддалар (2 ва 10)нинг алифатик карбон кислоталар ва натрий ацетат билан реакция шароитлари

№	R	Реагентларнинг моль нисбатлари, (2) : К.К. : H_2SO_4 (бензол) (10) : К.К. Na ($DMCO$)	Реакциянинг давомийлиги, соат	Олинган бирикмани брутто формуласи	Унум, %	Rf
1	CH_3	1:4:0,5	4-5	$C_8H_9NO_4$	48	0,47*
2	$CH_3(CH_2)_{14}$	1:3:1	6	$C_{23}H_{37}NO_4$	18	0,20**
3	$ClCH_2$	1:2:1	3-4	$C_8H_8NO_4Cl$	38-41	0,38**
4	F_3C	1:3:0,3	2,5-3	$C_8H_6NO_4F_3$	48	0,40**
5	$CH_3(Na)$	1:3	2,5-3	$C_8H_9NO_4$	60	0,47*

*бензол-этилацетат 3:1, **бензол-метанол 1:1

Алифатик карбон кислоталарнинг N-(β-гидроксиэтил)малеинимид билан этерификация реакциясига киришиш қобилияти қуйидаги қатор бўйича ортиб бориши кузатилди: CH₃(CH₂)₁₄COOH < ClCH₂COOH < CF₃COOH.

Олинган бирикмаларнинг тузилиши ИҚ- ва УБ-спектрлар ёрдамида тасдиқланди (9-жадвал).

9-жадвал


N-Этилолмалеинимид эфирларнинг ИҚ- ва УБ-спектрлари таҳлили

Бирикма рақами	Эфир	ИҚ (ν, cm ⁻¹)				УБ-спектр (метанол) (λ _{max} , нм)
		(C(O)OC)	(C=C)	(CH ₂)	(C=O)	
50	N-β-АЭМИ	1271	1419	2856	1651	-
51	N-β-ПЭМИ	1268	1414	2930	1663	225.30, 222.80
52	N-β-МХАЭМИ	1264	1402	2888	1705	206.00, 222.00
53	N-β-ТФАЭМИ	1270	1417	2867	1712	202.30, 206.30

N-(2-Ацетоксиэтил)малеинимид (**50**) ¹H ЯМР (ДМСО, δ, м.д): δ=7.01 (с, 2H, HC=CH), 4.43 (т, 2H, -CH₂-O-), 3.61 (т, 2H, CH₂-N-), 1.98 (с, 3H, -CH₃). ¹³C ЯМР (ДМСО, δ, м.д): δ=171.49 (C=O), 170.21(O=C-O), 134.87 (-CH=CH-), 60.12 (-O-CH₂-), 38.1 (N-CH₂-), 20.70 (-CH₃).

Малеин кислота моноамидлари асосида мураккаб эфирлар синтези. Тажриба натижасида олинган айрим моноарилмалеинамид ҳосилаларининг спиртлар билан реакцияси орқали мураккаб эфирлар олинди. Дастлаб метанол ва этанол билан реакциялари P₂O₅ / H₂SO₄ иштирокида 3-4 соат давомида қиздириш орқали олиб борилди.


Арилмономалеинамиднинг бензол ҳалқасида орто ҳолатда гидроксил гуруҳ бўлса унда малеин кислота қолдигидаги қўшбоғга нуклеофил бирикиши ҳам кузатилади ва тегишли гетероҳалқали маҳсулот ҳосил бўлади. Яъни **11**нинг метанол билан реакциясида модда **56** ва қўшимча маҳсулотлар N-2-(гидроксифенил)малеинимид, N-2-(метоксифенил)малеинимидлар ҳосил бўлиши ҳам аниқланди:



Реакцияларни сульфат кислотасиз P₂O₅ нинг 1:6 (P₂O₅ : ROH) нисбатда олиб бориш билан юқоридаги камчиликларни бартараф этиш мумкин.

P₂O₅ нинг спиртлар билан 1:6 нисбатдаги аралашмада алкилфосфор эфир (RO)₂P(O)(OH) олинади, бу реагент карбон кислоталарда борадиган этерификация реакциясини олиб боришдаги энг яхши реагентлиги аниқланган (10-жадвал).

Этанолда эриш имконияти пастроқ бўлган мономалеинамидларнинг реакциясида кам миқторда ДМФА солиш орқали амалга оширилганда яхши натижа берганлиги кузатилди.




R: C(CH₃)₃, C₆H₄-2-OH, C₆H₄-3-OH, C₆H₄-4-NH=NH-C₆H₅,
C₆H₄-3-CO₂H, C₆H₄-2-NO₂, C₆H₄-3-NO₂, C₆H₄-4-NO₂

10-жадвал


Айрим мономалеинамидларнинг метанол ва этанол билан реакция натижалари ва олинган бирикмаларнинг сууюклиниш хароратлари

Бирикма рақами	R	унуми, %		T _{сууюк.}		Бирикма рақами	R	унуми, %		T _{сууюк.}					
		Эфир (R ₁)		Эфир (R ₁)				Эфир (R ₁)		Эфир (R ₁)					
		CH ₃	C ₂ H ₅	CH ₃	C ₂ H ₅			CH ₃	C ₂ H ₅	CH ₃	C ₂ H ₅				
57	58	C(CH ₃) ₃		45	55	152-154	133-132	62	-	C ₆ H ₄ -3-CO ₂ H		46	-	240-244	-
56	-	C ₆ H ₄ -2-OH		42	-	136-139	-	63	64	C ₆ H ₄ -2-NO ₂		32	36	80-82	102-104
59	60	C ₆ H ₄ -3-OH		44	26	78-79	мойсимон	54	55	C ₆ H ₄ -3-NO ₂		48	30	140-141	136-137
61	-	C ₆ H ₄ -п-N ₂ -C ₆ H ₄		28	-	146-147	-	65	-	C ₆ H ₄ -4-NO ₂		43	-	169-170	-

Реакция механизми: P₄O₁₀ + 6ROH → 2(RO)P(O)(OH)₂ + 2(RO)₂P(O)OH
(RO)₂P(O)OH гидролизланганда кучсиз протон катализаторини беради:



Малеинимидобензой кислота эфирлари синтези. Тадқиқотларнинг Б усулида N-(карбоксифенил) малеинимидларнинг спиртлар билан сульфат кислота иштирокидаги этерификация реакцияси олиб борилди. N-(4-карбоксифенил) малеинимидларнинг пропил ва изобутил спиртлар билан олиб борилган реакцияларида тегишлича мураккаб эфирлар олишга эришилди (11-жадвал). Метил ва этил спиртлари билан маҳсулотлар ҳосил бўлмади.




11-жадвал


Б синтез усул асосида олинган бирикмаларнинг унуми, физик доимийликлари ва хромато-масс-спектр тахлили

Бирикма рақами	Унум %	T _{сууюк.} °C	R _f бензол:метанол 3:1	Масс-спектр	
				min:	M ⁺ (m/z)
66	58	116-117	0.60	27.137-27.183	[259 H ⁺] 231, 200, 172, 144, 116, 90, 54
67	80	143-145	0.68	25.075-25.121	[273], 244, 200, 171.9, 144, 116, 90, 54


Диссертациянинг “Малеин кислота азотли ҳосилаларининг кимёвий ва биологик хоссалари” деб номланган учинчи боби Галогенлаш реакциялари: N-β-ГЭМИ (2) асосида N-β-ХЭМИ (10) синтези тионилхлорид иштирокида амалга оширилди. Реакция 0°C ва ундан паст ҳароратда, пиридин иштирокида олиб борилди, маҳсулот унуми 55 %ни ташкил этди.



Модда 10 ни водород хлорид, CuCl ва сульфат кислота иштирокида ҳам олиш мумкинлиги аниқланди ва 27 % унум билан маҳсулот олинди.




Модда 2 нинг қўш боғи ҳисобига борадиган бромлаш реакцияси қуйида келтирилган эритувчилар ва ҳароратда олиб борилди:




Гидрокси, галоген алкилмалеинимидлар билан C-амидоалкиллаш: амидоалкилловчи реагент N-(β-гидроксиэтил)малеинимид ва N-(β-хлорэтил)малеинимид асосида амидолалкиллаш реакцияси олиб борилди. Нитромезитиленни N-(β-гидроксиэтил)малеинимид билан концентранган сульфат кислота ва фосфат кислота аралашмаси катализаторлари иштирокида, N-(β-хлорэтил)малеинимид билан эса кам миқдордаги FeCl₃·12H₂O катализатор иштирокидаги реакциялари ўрганилди. Натижа шуни кўрсатдики, Льюис кислоталари иштирокида амидоалкиллаш реакциялари фазовий жиҳатдан селектив бориб, битта моно-алмашинган маҳсулот 68 юқори унум билан ҳосил бўлиши аниқланди ва реакциянинг оптимал шароити деб топилди. Синтез қилинган моддаларнинг тузилишини физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида тасдиқланди.

Нитромезитиленни N-(β-гидроксиэтил)малеинимид билан C-амидоалкиллаш реакцияси: Нитромезитиленнинг N-(β-гидроксиэтил)малеинимид билан реакциясини сульфат, фосфат кислота аралашмалари иштирокида ўрганилди. Реакцияси учун реагентлар нитромезитилен: N-β-ГЭМИ: конц. H₂SO₄/H₃PO₄ 3:1 моллар нисбатида бензолда, 3-4 соат давомиди олиб борилди:



Нитромезитиленнинг *N*-(β -хлорэтил) малеинимид билан электрофиль алмашиниш реакцияси ва *S*-амидоалкиллаш реакцияси механизми: Нитромезитиленнинг модда **10** билан $\text{FeCl}_3 \cdot 12\text{H}_2\text{O}$ иштирокида амидоалкиллаш реакцияси $3:1:2,64 \cdot 10^{-4}$ моллар нисбатида, 100°C да олиб борилди. Реакция натижасига кўра, фақат моно алмашинган маҳсулот 2-(*N*-малеинимидоэтил)-1,3,5-триметилнитробензол (**68**) 58% унум билан ҳосил бўлиши аниқланди (12-жадвал).



12-жадвал

Нитромезитиленни *N*- β -ХЭМИ билан $\text{FeCl}_3 \cdot 12\text{H}_2\text{O}$ катализатор иштирокида амидоалкиллаш реакция шароитлари

Субстрат	Реагентларнинг моль нисбатлари субстрат: 10 :кат-р	Реакция харорати, $^\circ\text{C}$	Реакция давомийлиги, соат	Олинган 68 бирикма	
				унуми, %	$T_{\text{суюқ}}$
Нитромезитилен	$3:1:2,64 \cdot 10^{-4}$	100	3	58	128-129
	$2:1:2,64 \cdot 10^{-4}$		3	55	
	$1:1:2,64 \cdot 10^{-4}$		4	50	


Модданинг **68** ИҚ-спектридаги соҳаларида (cm^{-1}) ютилиш частоталари: 2505, 1654, 1219 ($\nu_{\text{C}=\text{C}}$, $\text{A}_{\text{гн}}$), 785, 860, 912 ($\delta_{\text{C}-\text{H}}$, $\text{A}_{\text{гн}}$), 1703 ($\nu_{\text{C}=\text{O}}$), 1658 ($\nu_{\text{C}=\text{C}}$), 1259.52 ($\nu^{\text{s}}_{\text{NO}_2}$), 2875, 2792, 1431 (ν , δ_{CH_3}).

Моддаларнинг биологик хусусиятлари²: ўстирувчанлик фаоллиги ЎЗР ФА Микробиология институтининг “Ўсимлик хом-ашёларини биологик қайта ишлаш” лабораториясида кимёвий моддалар (**1**, **3**, **4**, **11**, **16**, **20**, **23**, **24**, **26**, **50**)нинг биологик фаоллигини аниқлаш учун лаборатория тажрибалари ўтказилди.


Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, энг юқори биологик фаоллик моддаси **1** билан инокуляция қилинган вариантда кузатилган, уруғларнинг унувчанлиги назоратга нисбатан 24 %га, поя узунлиги 22,2 %га, илдиз узунлиги

² Муаллиф ЎЗР ФА Микробиология институтида катта илмий ходимлари, б.ф.д. Н.А.Элова ва Ш.А.Ташбаевлар, М.Улуғбек номидаги ЎзМУ ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти кичик илмий ходими Мустафакулов М.А., ЎЗР ФА О.С.Содиқов номидаги Биоорганик кимё институтининг Фармокология ва биологик фаол бирикмалар скрининги лабораториси жамоасига биологик хусусиятларини аниқлашда кўрсатган ёрдамлари учун ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.

43,1% ва массаси 81,4%га ошганлиги аниқланган (1-расм). Бирламчи текширув лабораториядан олинган натижаларга асосланган ҳолда, дала майдонларида ҳам синовлар ўтказилди ва тадқиқот натижаларига кўра, кузги буғдойга ишлов берилган вариантда рентабеллик даражаси назоратга нисбатан 11-12 %га ошди.



1-расм: а) моддаларнинг буғдой уруғлари унишига таъсири (3-кун давомида)



б) моддаларнинг буғдой ўсимлигининг ривожланишига таъсири (16-кун давомида)

Бактериялар ва замбуруғларга қарши фаоллиги: ўтказилган тадқиқотлар натижалари синтез асосида олинган (1, 3, 4, 11, 16, 20, 23, 24, 26, 50) бирикмаларнинг 5, 10 ва 15 мг/мл концентрацияли эритмалари *Bacillus subtilis* вегетатив хужайраларини, шартли патоген бактериялардан *Escherichia coli*, *Pseudomonas aeruginosa*, *Staphylococcus aureus*, *Fusarium oxysporium*, *Monilia sp* ва *Fusarium oxysporum* каби патоген замбуруғларни тўхтатишда концентрацияси 10 мг/мл бўлган эритманинг биологик фаоллиги юқори эканлиги аниқланди.

Антиоксидантлик фаоллиги: 5 хилда тайёрланган концентрацияли эритмаларидан айнан модда 1да 1000 мкг/мл (27,65%), модда 4да 250 мкг/мл (22,14%) ва модда 24да эса 750 мкг/мл (27,77%) эритмаларида натижаларнинг юқори унумлар билан кўрсатганлиги маълум бўлган. Сувда эрувчан моддаларнинг антиоксидантлик фаоллиги адреналиннинг *in vitro* шароитида аутооксидланиш реакциясининг ингибирланиши билан аниқланди ҳамда кислороднинг эркин шаклининг ҳосил бўлишига тўсқинлик қилди. Бирикмалар стандарт антиоксидант кверцетин ҳамда гликлазид антиоксидантлари билан

солиштирилди ва моддаларнинг фаоллиги гликлазиддан юқори эканлиги аниқланди. Олинган натижалар моддаларнинг антиоксидантлик хусусиятлари юқори эканлигини кўрсатди.

ЎзР ФА О.С.Содиқов номидаги Биоорганик кимё институтининг Фармакология ва биологик фаол бирикмалар скрининги лабораториясида ўткир заҳарлиликни аниқлаш бўйича тадқиқотлар модда 1да олиб борилди. 1 Бирикма IV синф кам заҳарли моддалар синфига кириши LD₅₀ – 1530 мг/кг аниқланди.

Диссертациянинг “**Малеин кислотанинг азот сақлаган ҳосилалар синтези ва этерификация реакциялари**” деб номланган **тўртинчи боби** тажрибалар қисми бўлиб, тадқиқотларни олиб бориш учун бошланғич моддалар синтези, малеин кислотанинг азот сақлаган ҳосилаларини олиш ва олинган бирикмаларда этерификация реакциялари асосида тегишли мураккаб эфирлар синтези, шунингдек, олинган маҳсулотларнинг кимёвий ўзгаришларини олиб бориш усуллари галогенлаш, амидоалкиллаш реакциялари келтирилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Малеин ангидрид билан алифатик, ароматик ва гетероциклик бирламчи моно- ва диаминлар асосида имидли ҳосилалари синтезининг қулай икки босқичли усули таклиф этилди.

2. Илк бор турли функционал гуруҳга эга бўлган изомер аминокбирикмаларнинг малеин ангидрид билан нуклеофил бирикиш реакцияларидаги о-нитроанилин < п-нитроанилин < м-нитроанилин; м-аминофенол < о-аминофенол; 2-аминопиридин < 4-аминопиридин бўйича фаоллик қатори ортиб бориши кўрсатилди.

3. Алкил, арил малеин кислота ҳосилаларининг мураккаб эфирлари синтез қилинди, реакцияда субстрат ва реагент табиатининг реакция йўналишига ва маҳсулот изомер таркибига таъсири билан изоҳланди.

4. Хлорэтилмалеинимид реакцияларида нуклеофил ёки электрофил алмашиниш бўйича бориши танланган иккинчи реагент табиатига боғлиқ бўлиши исботланди.

5. Илк бор изомер аминокбензой кислота алкил эфирларига асосланган малеинимидлар синтези учун 2 хил усул: малеин ангидриднинг аминокбензой кислота эфирлари билан реакцияси ва N-(4-карбоксифенил) малеинимидларнинг спиртлар иштирокидаги реакция шароитларида бориши ва янги N-(4-алкилкарбоксифенил) малеинимид эфирларини олиш таклиф этилди.

6. Олиб борилган тажрибалар натижасида 31 та янги органик бирикмалар синтез қилинди ва антиоксидантлик, бактерицидлик, фунгицидлик, ўстирувчанлик хусусиятига эга бўлган моддалар борлиги аниқланди, шунингдек, қишлоқ хўжалигида бошоқли экинлар учун стимулятор сифатида қўллаш тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019K.01.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ТУРАЕВА ХУРШИДА КАМАЛБАЕВНА

**СИНТЕЗ И СВОЙСТВА АЗОТСОДЕРЖАЩИХ ПРОИЗВОДНЫХ
МАЛЕИНОВОЙ КИСЛОТЫ**

02.00.03-Органическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.3.PhD/K189.

Диссертация выполнена в Национальном Университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.ik-kimyo.nuuz.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель: Юлдашева Мухаббат Раззокбердиевна
доктор химических наук, доцент

Официальные оппоненты: Бабаев Бахром Нуриллаевич
доктор химических наук

Абдураззоков Аскар Шералиевич
кандидант химических наук, старший научный сотрудник


Ведущая организация: Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится «22» 09 2021 года в «12⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел: (998 71) 227-12-24; факс: (998 71) 246-53-21, 246-02-24. E-mail:chem0102@mail.ru.).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за №82). Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел: (998 71) 227-12-24; факс: (998 71) 246-53-21, 246-02-24. E-mail:nauka@nuu.ru.

Автореферат диссертации разослан «7» 09 2021 года.

(реестр протокол рассылки №10 от 7 09 2021 года).


З.А. Сманова
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор


Д.А. Гафурова
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.х.н.


А.К. Абдушукуров
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день азотсодержащие производные дикарбоновых кислот используются во всем мире в производстве термостойких электрических материалов в промышленности и экономике, в медицине в качестве эффективных лекарственных средств при лечении сердечно-сосудистых заболеваний, вторичного диабета, болезни Альцгеймера и лейшманиоза. Кроме того, водорастворимые производные малеиновой кислоты играют особую роль в выращивании сельскохозяйственных продуктов, в качестве антибактериальных или стимулирующих препаратов.

В настоящее время ведутся целенаправленные исследования по получению уникальных материалов на основе амидов и имидов малеиновой кислоты; в частности, реакции Дилса-Альдера за счет активных соединений, синтез двойных связей аллильного типа, определение условий реакций по карбоксильной группе с первичными, вторичными моно- и диаминами, цианатами, изоцианатами, эпоксидами, тиолами; восстановлению ненасыщенных производных дикарбоновых кислот, повышению селективности реакций и выхода продуктов и расширению областей практического применения новых синтезированных веществ.

В нашей стране активно ведутся научные исследования по производству импортозамещающих натуральных и синтетических продуктов. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан ставит задачи «поднять промышленность на качественно новый уровень, ускорить производство готовой продукции, освоить и усовершенствовать технологии для новых видов продукции путем глубокой переработки местного сырья»³. В связи с этим научные и практические исследования, направленные на поиск и совершенствование удобных методов синтеза амидных и имидных производных малеиновой кислоты, получение водорастворимых и высоко биологически активных производных остаются весьма актуальными.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 10 апреля 2019 года № УП-5707 «О дальнейших мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2019 – 2021 годах», Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 12 августа 2020 года №ПП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям «химия» и «биология»; от 6 ноября 2020 года №ПП-4884 «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования и воспитания», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

³ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах».

